

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

## БУЮК МУТАФАККИР ВА ҚОМУСИЙ ОЛИМ АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1050 ЙИЛЛИГИНИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзининг ноёб асарлари ҳамда оламшумул кашфиётлари билан жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк мутафаккир ва қомусий олим, Илк Ренессанс даврининг ёрқин намоёниси Абу Райхон Берунийнинг илмий-маърифий меросини янада чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб бораётган етакчи халқаро илмий марказлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, шунингдек, Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш мақсадида:

1. Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма), ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссия, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Фанлар академияси, Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда кенг жамоатчиликнинг 2022-2023 йилларда буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини ЮНЕСКО шафелигида халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

ЮНЕСКО Бош конференцияси қарори билан Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини нишонлаш ЮНЕСКОнинг 2022-2023 йилларда нишонланадиган халқаро юбилейлар рўйхатига киритилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий кўмита таркиби (кейинги ўринларда — Ташкилий кўмита) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий кўмита (А.Арипов) бир ой муддатда Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини нишонлаш бўйича ушбу қарорда белгиланган тадбирларни амалга оширишни ва қўйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар дастурини масъул ижрочилар, молиялаштириш манбалари ва миқдорларини аниқ белгиланган ҳолда тасдиқласин:

республикамиздаги Абу Райхон Беруний номи билан боғлиқ **обида** ва **қадамжоларни**, шу жумладан, Абу Райхон Беруний шарафига ўрнатилган **ёдгорлик мажмуаларини** мукаммал таъмирлаш ва уларнинг худудларини ободонлаштириш, **"Буюк Беруний мероси" халқаро сайёҳлик маршрутларини** йўлга қўйиш;

олимлар ва мутахассисларнинг таклиф-мулоҳазалари асосида ишлаб чиқилган концепция асосида Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида 2023 йил якунига қадар **Абу Райхон Беруний мажмуасини қуриш** ва унинг худудидида илмий-маърифий, маданий ва дам олиш ҳамда туризм объектлари фаолиятини ташкил қилиш, ушбу масалада икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори белгиланган тартибда қабул қилинишини ташкил қилиш;

аллома илмий-ижодий меросига мансуб **кўлэзма** ва **бошқа маданий бойликларни реставрация** қилиш, уларни **ишончли сақлаш** учун зарур шароит яратиш;

Фанлар академиясининг **Қорақалпоғистон бўлими** ва **Хоразм Маъмур академиясининг** моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларда маданий мерос объектлари, шу жумладан, археология мероси объектлари, музей ашёларини **реставрация** ва **консервация қилишга ихтисослашган лаборатория ташкил қилиш** ҳамда уларни **замонавий жиҳозлар** билан таъминлаш;

Абу Райхон Беруний меросини ўрганиш мақсадида халқаро миқёсда кенг қўламли **илмий изланишлар олиб бориш** ва уларнинг **натижаларини эълон қилиш**, шу мавзуда илмий, бадиий-публицистик асарлар яратиш, **хорижий олимларнинг асарларини ўзбек ва қорақалпоқ тилларида нашр қилиш**;

**юқори сифатли медиа маҳсулотлар ҳамда аудиовизуал асарлар яратиш**, уларни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида эфирга бериш бориш, Интернет ва ижтимо-

ий тармоқларга жойлаштириш, дунё миқёсида **хештег** ва **челленж** каби тарғиботнинг замонавий технологияларини қўллаш;

Абу Райхон Беруний сиймоси тасвирланган, алломанинг илмий-ижодий меросига бағишланган **почта маркалари** ва **конвертлар туркумини** яратиш, **тақвимлар** ва **кўргазмалар ахборот воситалари, эсдалик тангалари** ва **конвертлар туркумини** яратиш, **тақвимлар** ва **кўргазмалар ахборот воситалари, эсдалик тангалари** муомалага чиқариш;

умумий ўрта таълим ташкилотлари, академик лицейлар ва касб-хунар мактаблари ўқувчилари ўртасида **Хоразм вилоятида** тегишли фан бўйича **Абу Райхон Беруний номидаги халқаро фан олимпиадасини** ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги элчихоналари, Ўзбек миллий маданий марказлари, ватандошлар жамиятларида Абу Райхон Беруний илмий-маърифий мероси, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида илмий анжуманлар ва давра суҳбатлари ташкил этиш;

илмий доиралар, халқаро экспертлар ва кенг жамоатчиликнинг таклиф-мулоҳазалари асосида бошқа чоратадбирларни амалга ошириш.

3. Жамғарма Ташкилий кўмитанинг ишчи органи этиб белгилансин ва мазкур қарорда белгиланган вазифалар бўйича вазирлик ва идоралар фаолиятини **мувофиқлаштириб** борсин.

4. Ташқи ишлар вазирлиги: Абу Райхон Берунийнинг илмий-маърифий меросини дунё миқёсида чуқур ўрганиш ва оммалаштиришга улкан ҳисса қўшган шахсларни ҳамда илмий-ижодий муассасаларни тақдирлаш мақсадида **Абу Райхон Беруний номидаги халқаро мукофотни таъсис этиш**;

Абу Райхон Беруний юбилейига бағишланган тадбирларни тегишли **хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар**, шу жумладан, **ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ташкил қилиш**; хорижий мамлакатлардаги Абу Рай-

хон Беруний ёдгорлик мажмуаларида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш бўйича музокара олиб борсин ҳамда уларнинг натижалари бўйича Ташкилий кўмитага таклиф киритсин.

5. Фанлар академияси, Маданий мерос агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда хорижий давлатларда сақланаётган Абу Райхон Беруний ҳаёти ва илмий-ижодий мероси ҳамда у яшаган даврга оид **кўлэзмалар** ва бошқа маданий бойликларни **аниқлаш**, уларнинг факсимиле нусхаларини **Ўзбекистонга олиб келиш**, **тадқиқ этиш** ва давлат электрон каталоги ҳамда ЮНЕСКОнинг рақамли кутубхонасига жойлаштириш чораларини кўрсин.

6. Инновацион ривожланиш вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Абу Райхон Беруний ҳаёти ва меросини тадқиқ этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ **илмий лойиҳалар танловини** эълон қилсин.

7. Ёшлар ишлари агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил декабрга қадар **"Беруний ва ёшлар" махсус дастурини** ишлаб чиқсин ва амалга оширсин. Бунда, Абу Райхон Беруний ҳаётига оид маълумотлар, унинг илмий-маърифий асарлари жамланган **мобил илова** яратсин ва ёшлар ўртасида **кенг оммалаштирсин**.

8. Республика Маънавият ва маърифат маркази, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

а) Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ташкилий кўмита томонидан белгиланадиган муддатларда:

Халқимиз санъат қунардан сўнг мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллигини кенг нишонлайди. Бундай тарихий лаҳзаларда жонажон Ватанимизда амалга оширилган туб ислохотларни сарҳисоб қилишимиз табиий, албатта. Чунки уларнинг самарасини барчамиз ўз ҳаётимизда аниқ ҳис қилиб турибмиз.

Мустақиллигимизнинг 31 йиллигига

## Илм-фан, таълим ва тарбия

мамлакатни қудратли,  
миллатни буюк қиладиган кучдир



Айниқса, глобаллашув даврининг энг муҳим масалаларидан бири — таълим-тарбия тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқ-

да. Зеро, жамият олдида туррининг энг муҳим масалалари илм-фани тараққий эттирмай туриб, ҳал этиш мушкул.

(Давоми 2-бетда) ►

## Муносабат

### Солиқ юки камайтирилмоқда

бу эса, тадбиркорлар учун  
кенг имкониятлар эшигини очади



Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда тадбиркорлар алоҳида ўрин тутади. Шу маънода, кейинги йилларда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда давлат идораларининг тадбиркорлар фаолиятига аралашувини чеклаш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини кафолатли ҳимоя қилиш ҳамда хусусий мулкнинг устуворлигини янада қучайтириш ислохотларнинг бош мезонига айлангани бежиз эмас.

(Давоми 2-бетда) ►

## Қилмиш-қидирмиш

### ФИРИБГАР МУДДАОСИ: Бировнинг номини «туя» қилишдир




Халқимизда "Бировни алдама, юрган кўчаннинг боши берк" деган мақол бор. Бу ҳикматнинг ҳаётий ифодасини ўзгаларнинг мулкни ишончини суистеъмол қилган ҳолда қўлга кириштириб, пинагини бузмай юрган, аммо кун келиб, барибир қонун олдида жавоб берган шахснинг аччиқ қисмати мисолида яққол кўриш мумкин.

(Давоми 2-бетда) ►

## Моҳият

### Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш зарурати



мониторинг  
натижалари шун  
таъво этмоқда

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалдаги қонунчилик базасини тизимлаштириш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини ошириш борасида бир қатор ишлар амалга

оширилди. Айниқса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш мақсадида Norma ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинган соҳада янги даврни бошлаб берди.

(Давоми 3-бетда) ►

Судда ишларни кўриш жараёнида иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда касабани уюшмасининг розилигини олмасдан туриб, меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига мувофиқ бекор қилиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Албатта, иш берувчи томонидан меҳнат шартномасини бундай тартибда бекор қилиш қонун талабига зиддир.

(Давоми 4-бетда) ►

## Қонун кўмаги

### ДАЪВОГАР МАНУН БЎЛДИ



Маъмурий суд ишларини юртиш тўғрисидаги кодекснинг 4-моддасига кўра, ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилиши ёки низолашлайётган ҳуқуқий ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишга ҳақли. Бу ҳуқуқ мамлакатимиздан чиқиши вақтинча чекланган элемент тўловчи шахсларга ҳам тегишлидир.

## Таҳлил

### Алимент мажбурияти унинг қонуний тартиблари нималардан иборат?



Айтиш керакки, маъмурий судлар томонидан 2022 йилнинг биринчи ярми давомида оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган 7 минг 704 та маъмурий иш кўриб чиқилган. Улар орасида давлат ижрочисининг алимент тўловчи шахсни мамлакатимиздан чиқишини вақтинча чеклаш ҳақидаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги ишлар ҳам бор.

Шу ўринда ушбу масала бўйича батафсил фикр юритадиган бўлсак, амалдаги "Суд ҳужжатлари ва бошқа орган-

лар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 42<sup>1</sup>-моддасига асосан суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатидаги ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатидаги талаблар белгиланган муддатда қарздор жисмоний шахс томонидан узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаганда, давлат ижрочиси ундирувчининг аризаси бўйича ёки ўз ташаббуси билан қарздор жисмоний шахснинг мамлакатимиздан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

(Давоми 3-бетда) ►



Муносабат

## Солиқ юки камайтирилмоқда

бу эса, тадбиркорлар учун  
кенг имкониятлар эшигини очади



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бунинг тасдиғини давлатимиз раҳбари юртимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар билан кейинги икки йилдан буён ўтказиб келаётган очиқ мулоқотларида илгари сурилаган ташаббуслар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, куни кеча Президентимизнинг тадбиркорлар билан навбатдаги очиқ мулоқоти ўтказилди. Мулоқот аввалида бир гуруҳ фаол тадбиркорлар давлатимизнинг юксак орденомдаллари билан мукофотлангани бугун амалга оширилаётган изчил ислохотларда уларнинг ўрни юқори эканидан яққол далолатдир.

Бу галги мулоқотда ҳам тадбиркорлар фаолиятини янада кенгайтириш, юқори даромад олиб, кам солиқ тўлашига оид бир қатор ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, учрашувда корхоналарни тоифаларга ажратиш, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида ёндашув белгилашни маълум қилинди.

Яъни корхоналар йиллик айланмаси бўйича тоифаларга ажратилди. Бунда 1 миллиард сўмгача бўлгани — микро бизнес, 10 миллиард сўмгача бўлгани — кичик бизнес, 100 миллиард сўмгача бўлгани — ўрта бизнес тоифасига



киритилиши юзасидан ташаббус илгари сурилди.

2023 йил 1 январдан бошлаб микро бизнес учун айланмадан олинган солиқнинг амалдаги 4 фоиздан 25 фоизгача бўлган ставкалари ўрнига ягона 4 фоизли солиқ ставкаси жорий этилади.

Шунингдек, олис ҳудудлардаги ва алоҳида тоифадаги тадбиркорлар учун амалдаги 1 ва 2 фоизли ставкалар сақлаб қолинади. Агар улар ихтиёрий равишда йилга 20-30 миллион сўм тўласа, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва уни солиқ идораларига тақдим этиш мажбуриятдан озод қилинади.

Айланмаси 1 миллиард сўмдан ошиб, умумий солиқ тўлаш тартибига ўтган корхоналар бир йил давомида фойда солиғини 2 баробар кам тўлайди. Бу, ўз навбатида, айни кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 370 минг нафар тадбиркорга енгилликлар яратади.

Шу билан бирга, тез ўлиб бораётган юқори салоҳиятли ўрта корхоналар сонини ҳозирги 3,5 мингтадан 10 мингтага етказиш имкониятлари

кенгайди.

Бу борадаги яна бир қўлайлик: 2023 йил 1 январдан кичик бизнесдан ўрта бизнесга ўтган корхоналар икки йил давомида фойда солиғининг фақат 50 фоизини тўлайди. Мулкни сугурта қилиш харажатларининг 50 фоизи давлат ҳисобидан қўллаб берилди.

Бундай корхоналарга нисбатан соддаштирилган солиқ, молиявий ва статистика ҳисоботлари жорий этилиб, давлат харидларида 20 фоиз квота белгиланади. Ушбу қарорлар доирасида уларга олинган 50 фоиз маблағ тўлаб берилди. Амалда бу кўрсаткич 15 фоизни ташкил этиб келмоқда.

Харажатлар стратегияси доирасида бизнес учун солиқ юқини тушириш сиёсатини амалга оширилиши натижада қўшилган қиймат солиғи ставкаси амалдаги 20 фоиздан 15 фоизга туширилган эди. Учрашувда бу каби чора-тадбирларга қарамасдан қўшилган қиймат солиғи ставкаси кичик ва ўрта бизнес учун энг муаммоли масалалардан яна бири бўлиб қолаётгани ҳисобга олиниб, 2023 йил 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизга туширилиши маълум қилинди.

Шунингдек, жорий йил 1 июлдан бўш бино, фойдаланилмаётган ер участкасига нисбатан мол-мулк ва ер солиқларининг оширилган ставкаларини қўллаш бекор қилинган эди. Шу билан бирга, аввал ошириб ҳисобланган 19 минг нафар тадбиркорнинг солиқ ставкалари бўйича ҳисобланган 2 триллион сўмлик қарзларидан бутунлай воз кечилмайдиган бўлди.

Бундай қўлайликлар тадбиркорларни қонун асосида эмин-эркин фаолият юритиб, мамлакатимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшишга ундайди.

Бу янгиланишлар депутатлар зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Чунки Президентимизнинг тадбиркорлар билан учрашувда билдирган ҳар бир ташаббусини қонунларда акс эттириш, бунда қонунчиликка киритилаётган ўзгаришларни тадбиркорлар ўз фаолиятида бюрократик тўсиқларсиз фойдалана оладиган амалий нормага айлантириш жуда ҳам муҳимдир.

**Музафара АБДИЕВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида **Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва фаолияти, унинг жаҳон тамаддуни ривожига қўшган улкан ҳиссасига бағишланган халқаро илмий-амалий конференциялар** ҳамда илмий-маърифий тадбирларни ташкил қилсин;

**Тошкент шаҳрида Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигига бағишланган халқаро анжуманини** ўтказсин;

б) **Абу Райҳон Берунийнинг барча асарларини тўплаш асосида босқичма-босқич алломанинг тўлиқ асарлари туркумини** Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан **Ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз,**

**араб ва форс тилларида нашр этиш чораларини кўрсин.**

9. Маданият вазирлиги 2023 йилда Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва илмий-маърифий фаолияти асосида **янги спектакллар** яратсин ҳамда уларнинг республика бўйлаб театрларда намойиш этилишини ташкил этсин.

10. Кинематография агентлиги 2022-2023 йилларда Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва илмий-маърифий фаолиятига бағишланган **бадий, мультипликацион ва тўлиқ метражли ҳужжатли фильмлар, кўп қисмли телесериал** яратиш ҳамда уларни хорижий мамлакатларда ҳам кенг намойиш қилиш чораларини кўрсин.

11. Бадий академия ва "Хунарманд" уюшмаси 2022-2023 йилларда республикаимиз

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Қ А Р О Р И

## Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисида

бўйлаб Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва илмий-маърифий фаолиятига бағишланган тасвирий санъат асарлари, миниатюралар, халқ амалий санъати намуналари ҳамда фотосуратлар кўргазмаларини ташкил этсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлиги Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Фанлар академияси, Маданият вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Президент таълим муассасалари агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда бошқа вазирлик, идора ва ташкилотлар Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва илмий-маърифий фаолияти ҳамда унинг жаҳон тамад-

дуни ривожига қўшган улкан ҳиссасини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида, шунингдек, таълим ташкилотлари ва меҳнат жамоаларида кенг тарғиб қилишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий медиа ассоциацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларида Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш, алломанинг илмий-маърифий мероси асосида **махсус кўрсатув ва**

**эшиттиришлар, ўқув-маърифий фильмлар** яратиш тавсия этилсин.

14. Мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб Давлат бюджетни ҳисобидан ажратилган маблағлар, ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар белгилансин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2022 йил 25 август



Мустақиллигимизнинг 31 йиллигига

## Илм-фан, таълим ва тарбия

мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган кучдир

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бугун жаҳоннинг етакчи давлатлари каби мамлакатимизда ҳам таълимни ривожлантиришга биринчи галдаги вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Таълим сифати ривожланса, ҳамма соҳада ўзгариш, ривожланиш бўлади.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу — илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ.**

Бу ишлар, аввало, мактабгача таълим ва тарбия соҳасидан бошланиши эътиборга молик. Чунки фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўлган ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайд.

Кейинги йилларда Президентимиз раҳбарлигида йирик шахарларимиздан тортиб, чекка қишлоқ ва овулларгача янги-янги замонавий боғчалар барпо этилгани сабаби ҳам шу билан изоҳланади. Масалан, бундан беш йил муқаддам юртимизда 5 мингдан зиёд боғча фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда бу рақам 19 мингдан ошди.

Соҳага давлат-хусусий шериклик механизми жорий этилиши туфайли 625 минг 228 ўринга эга бўлган 20 минг 862 та хусусий боғча ташкил қилинди. Бу мақсадлар учун 2,1 триллион сўм имтиёзли кредит маблағлари йўналтирилиб, 55 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Мактабгача таълим муассасалари тармоғини ҳозирги замон талаб ва стандартлари асосида ривожлантириш, уларни реконструкция ва модернизация қилишга қаратилаётган эътибор замирида келажакимиз эгаларининг ҳеч кимдан кам бўлмай улгайишини таъминлашдек эзгу мақсад муҳассам.

Ҳозирги кунда мактабгача таълим муассасалари мактаб ёшигача бўлган болаларни эрта савод чиқариш, турли кўникмаларга эга бўлишга хизмат қилмоқда. Чунки мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг бошланғич қисми бўлиб, у боланинг соғлом ва ривожланган шахс бўлиб шаклланишини таъминлаб, ўқишга бўлган иштиёқини оширади, тизимли ўқитишга тайёрлаб боради.

Яна бир муҳим масала — сўнги беш олтми йилда халқ таълими тизимига бўлган муносабат ҳам, эътибор ҳам тубдан ўзгарди. Давлатимиз раҳбарининг халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жа-

миятдаги нуфузини ошириш, ёш авлодга таълим-тарбия беришни кучайтириш, улар маънавиятини юксалтириш билан боғлиқ кўплаб фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Яқин йилларга қадар ўқитувчи-муаллимлар, айрим жойларда ўқувчилар ҳам, бутун кузни пахта даласида ўтказган бўлса, ҳозир муаллимлар таълим-тарбия жараёнидан бошқа ишларга жалб қилинмайдиган бўлди. Мактаб ўқитувчиларининг ойлик маоши бир неча баробар оширилиб, давлат мукофотлари билан тақдирланаётган устозлар сони ортиб бормоқда.

Таълим соҳасидаги янгиланишларнинг асосий қисмини олий таълим тизимидаги ислохотлар ташкил этади. Кейинги беш йилда ушбу соҳа улкан янгиланишга бой бўлди. Олий таълимда амалга оширилган ислохотлар натижада юз берган ўзгаришлар мамлакатимизда катта ижобий юксалишларга олиб келди.

Бу борада биринчи қадам, шубҳасиз, ўқиш истагидаги ёшларга бир вақтнинг ўзида бир неча олий ўқув юртига ҳужжат топшириш имкони яратилгани бўлди. Ҳужжатларни топширишнинг онлайн тизими йўлга қўйилгани эса, яна бир муҳим янгиланишдир.

Буларнинг барчаси илгари кўп учраган ортикча сарсонгарчилик ва тушун-

мовчиликларга бутунлай чек қўйди.

Кейинги йилларда олий ўқув юртилари сони 77 тадан 170 тага етди, уларга қабул 3,5 бараварга ортди. Олий таълимда рақобатни қўллаб-қувватлаш ва хусусий секторни жалб қилиш орқали 24 та хорижий, 27 та нодавлат олий-гоҳлар ташкил этилди.

Шу асосда ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 32 фоизга оширилди.

Тизимдаги ислохотларнинг энг муҳим жиҳатларидан яна бири — олий таълим билан ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқадорлик интеграциясини вужудга келтиришдир. Мамлакатимизда бу борада мақбул интеграция йўлга қўйилгани туфайли техника олий ўқув муассасалари талабалари нафақат янги технологиялар билан танишиш, балки уларни бошқариш амалиётига ҳам эга бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, кейинги беш йилда боғча-мактаб-олий таълимнинг узвий ва узлуксизлигини таъминлашга қаратилган муштаҳкам занжир яратилди. Зеро, таълим ва тарбияда танаффус бўлмайд.

Улар доимо бири-бирини тўлдириб бориши лозим.

**Шаҳноза ХОЛМАҲМАТОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Албатта, бугунги кунда етарли малакага эга бўлган мутахассислар учун фарибгарлик билан боғлиқ жиноятларни фол қилиш ортикча қийинчилик туғдирмайди.

Маълумот тарихида айтадиган бўлсак, шу йилнинг биринчи ярмида Андижон вилоятида 566 нафар киши фарибгарлик жиноятини содир этгани учун жавобгарликка тортилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 152 нафар ёки 36,7 фоизга кўп демакдир.

Кўриниб турибдики, масъул идоралар томонидан одамлар ҳар қанча оғоҳлантирилаётгани, тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилаётганига қарамай бу турдаги жиноят сони ортиб бормоқда. Айниқса, кейинги пайтларда кредит олиш, савдо дўконларидан мuddатли тўловга маърузи техника харид қилиш ҳамда тўловни амалга ошириш жараёнида фарибгарларнинг найрангига чув тушиш ҳоллари кўп кўзга ташланмоқда.

Бунинг асосий омиллари жабрланувчиларнинг ишонувчанлиги, соддадиллиги ва энг асосийси, қонун-

қоидаларни яхши билмаслиги билан боғлиқ. Қуйидаги мисол ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Мактаб ўқитувчиси У.Н. уч йил аввал Андижондаги номдор савдо дўконлар тармоғининг Хўжаобод филиалидан маърузи техника буюмлари сотиб олади. Махсус тўловларини ойма-ой ҳисоб-китоб қилиб бориш жараёнида ушбу дўконнинг ходими Х.Н. билан танишиб қолади. Белгиланган жадвалдаги охирига тўлов амалга оширилаётган куни ходим ундан номига маърузи техника буюмлари олиб беришини илтимос қилиб, ҳисоб-китобни шахсан ўзи ойма-ой тўлаб боришга ишонтиради.

Кўнгилчан ўқитувчи дўкон билан қарий 16 миллион сўмликдан зиёд шартнома-ни имзолаб, ўз номига телевизор, кир ювиш машинаси, газ плитаси, сув иситкич харид қилиб, уларни дўкон ходимининг қўлига тутқазади. Бироқ аслида ходимнинг нияти бояқиш ўқитувчини "чув" тушириш бўлган.

Бўёғини сўрасангиз, Х.Н.дан худди шу тарзда жабр қўрилган биргина ушбу муаллим эмас экан. Жумладан,

## Қилмиш-қидирмиш Фарибгар муддаоси:

дўконнинг доимий мижозларидан бири бўлган поликлиника ҳамшираси Г.М. унга салкам 10 миллион сўмлик қурилиш материаллари, яна бир жабрланувчи Г.Ш. савдо дўконидан нақд 29 миллион сўмлик маърузи техника олиб берган. Натижада улар ҳам Х.Н.нинг ҳийла-найранглари тузоғига тушибди.

Шу тариқа Х.Н. ўзи ишлаётган дўконнинг беш нафар мижози ишончини суистеъмор қилган бўлса, дўконда ундирувчи вазифасида фаолият кўрсатган яна бир ходим М.А. ҳам ҳамкасбининг "усули"ни қўллаб, савдо тармоғининг доимий харидори М.Т.га 6,5 миллион сўмлик зиён етказган.

Албатта фарибгарларга савдо томонидан қонунда белгиланган тартибда жазо тайинланди. Ҳукм ўқилгунга қадар келтирилган зарарлар қопланди. Бироқ адолат қарор тоғунича қанча одамнинг оиласида ҳаловат йўқол-

ганлигини тасаввур қилиб кўриш қийин эмас.

Жиноят ишлари бўйича Избоскан тумани судида кўриб чиқилган ҳолат ҳам кўп жиҳатдан юқоридаги манзарага ўхшашиб кетади. Яъни манзил, махсусотлар шакл-маъиоили, жабрланувчиларнинг касби-қори бошқа, аммо моҳияти бир хил.

Тумандаги ишлаб чиқариш корхоналарининг бирида фаолият юритувчи У.Ш. савдо дўқони эгаси бўлмиш Ш.Х.нинг ишончига кириб, сотувда бўлган дастурхон, сочик ва косметика маҳсулотларини "бирга ишлайдиган ҳамкасбларимга сотиб, ҳақини бир ойда берман", деб олиб кетади.

Бироқ орадан етти ой ўтса ҳамки, пулдан дарак бўлавермайди. Бу орада дўкондор қарздорнинг уйига қатнашибериб сарсон бўлади. Охириги марта борганида У.Ш. олинган махсусотлар қийматининг учдан бирини


қайтариб, қолганини бермаслигини айтади.

Пичоқ суякка етган жабрланувчи шундан сўнггина бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага арз қилади.

Маълум бўладики, номи тилга олинган фарибгар аёл бировларни алдаб, чув туширишни аллақачон касби-қорига айлантириб олган экан.

Жумладан, у арзон нархда маърузи техника буюмлари олиб беришни ваъда қилиб, Ш.С.дан 1 миллион 500 минг сўм, Ф.К.дан "Наманган вилоятидан маърузи техника олиб келиб сотаям, фойдаланиб қолинг, баҳоси деярли сувтекин", дея музлатгич учун 1 миллион 700 минг сўм, яна бир жабрланувчи М.М.дан "янги уй сотиб олишга маблағим етмайпти, турмуш ўртоғим хориждан пул юборади, уч кунда қайтарман", деган ваъда билан 5 минг 600 АҚШ долларини фарибгарлик йўли билан қўлга киритган.





Моҳият

# Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш зарурати

мониторинг натижалари шунингдек тақозо этмоқда

**◀ (Бошланиши 1-бетда)**

Президентимизнинг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида биргина тadbиркорлик билан боғлиқ 5 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қайта кўриб чиқиш, тўлиқ кодификациялаш, уларнинг сонини қисқартириш назарда тутилган.

Шу асосда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш, амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминлигини такомиллаштириш учун Сенат кўмиталари томонидан қатор қонунларнинг ижроси ҳолати, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганилди ва меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши юзасидан мониторинг амалга оширилди.

Ўтказилган таҳлиллар айрим қонунларда аниқ механизмлар акс эттирилмагани, ҳаволаки нормалар мавжудлиги сабабли соҳанинг асосан меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солиб келингани, шунингдек, айрим қонунлардаги нормалар амалиётда номувофиқликларни келтириб чиқараётгани сабабли уларни бугунги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш лозимлигини кўрсатди.

Жумладан, **"Жамоатчилик назорати тўғрисида"**ги қонунда жамоатчилик палаталари жамоатчилик назоратини амалга ошириш назарда тутилмаган. Шунингдек, қонунда жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитувчи, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизасининг аниқ механизмлари, уларни олиб бериш тартиби ва натижаси бўйича қарор қабул қилиш каби масалалар тўлиқ тартибга солинмаган.

**"Архив иши тўғрисида"**ги қонунда **"Узархив"** агентлигининг архив иши соҳасидаги ваколатлари сифатида:

- давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятида шаклландиган намунавий ҳужжатларнинг сақлаш муддатлари кўрсатилган рўйхатни тасдиқлаш;
- Ўзбекистон тарихига оид чет элларда сақланаётган архив ҳужжатларини аниқлаш, уларнинг асли ёки нусхаларини қайтариш белгиланмаган.

Шунингдек, ушбу қонуннинг 9-моддасида **"Миллий архив фонди тар-**

**кибига киритилган архив ҳужжатлари Ўзбекистон халқ маданий меросининг ажралмас қисмидир"** деб кўрсатилган. Бироқ миллий архив фондига киритилган ҳужжатлар таснифига қайси ҳужжатлар кириши аниқ белгиланмаган.

Бугунги кунда электрон ҳуқуқат нусхаси катта аҳамиятга эга. Шунга қарамай, қонунда давлат органлари давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган архив ҳужжатларининг доимий асосда электрон нусхаларини яратиши шартлигига оид нормалар белгиланмаган.

Ўз навбатида, **"Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида"**ги қонунда **"Ижтимоий хизматларни кўрсатувчи ходим"** тушунчасининг таърифи келтирилмаган. Шунингдек, ижтимоий хизматларга муҳтож шахсларни:

- оммавий ахборот воситалари ёки ижтимоий тармоқлар орқали берилган маълумотлар асосида;
- маҳаллий вакиллик органлари ва ўзини-ўзи бошқариш органлари маълумотлари асосида аниқлаш механизми назарда тутилмаган.

Ижтимоий хизматларга муҳтож шахс ёки унинг қонуний вакили давлат томонидан кўрсатилиши мумкин бўлган ижтимоий хизматлардан исталган вақтида воз кечиши мумкинлигига оид қоидалар белгиланмаган.

**"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги қонун 32 та моддадан иборат бўлиб, унда 14 та ҳаволаки нормаларнинг мавжудлиги ҳамда қонунчилик ҳужжатларидаги нормаларнинг бир-бирини такрорлаши оқибатида соҳадаги муносабатлар асосан меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинишига олиб келмоқда.

Қонуннинг 4-моддасида боланинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида қайд этилган бўлса-да, унинг механизмлари аниқ белгиланмаган.

Қонунда ота-онанинг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг болани вояга етказиш ва тарбиялаш бўйича маж-

буриятлари, шунингдек, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан боланинг соғлиги ва ривожланишига зарар етказувчи ахборот ёки маълумотдан ҳимоя қилинишига оид нормалар назарда тутилмаган.

Қолаверса, дўконлар, савдо марказлари ва бозорларда сотувга қўйилган маҳсулотларнинг ҳамда улар рекламаларининг ваколатли давлат органи томонидан боланинг соғлиги ва дунёқарашига зарари юзасидан доимий назорат ўрнатиши билан боғлиқ масалалар кўзда тутилмаганини ҳам қайд этиш жоиз.

Бундан ташқари **"Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"**ги қонунда давлат мулкларини хусусийлаштиришда очиклик ва шаффоқлик таъминллари акс эттирилмаган. Масъулияти чекланган жамият шаклидаги корхоналардаги давлат улушини уларни реал қийматида келиб чиқиб, муайян қисмларга бўлган ҳолда хусусийлаштиришга оид меъёрлар кўзда тутилмаган;

Қонунда давлат унитар корхоналаридаги давлат улуши реализация қилинмаган тақдирда, корхоналарни масъулияти чекланган жамият шаклига ўтказган ҳолда муайян қисмларга бўлиб, хусусийлаштириш амалиёти жорий этилмаган.

Энг яхши акцияларни "пакет" принципида эмас, балки аҳолининг кенг қатламларига акцияларни доналаб сотиш орқали хусусийлаштириш, ҳар бир талабгорга чекланган миқдорда акциялар сотиш тизими йўлга қўйилмаган.

Шу билан бирга, давлат мулкларини хусусийлаштиришда уларга нисбатан инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни белгилаш тартибининг ягона стандартлари, инвестиция мажбуриятини инвестиция миқдоридан келиб чиқиб, уни бажаришнинг энг рақобатдорлиги, ижтимоий мажбуриятни рағбатлантириш механизмлари назарда тутилмаган.

Мониторинг кўзгусига тушган яна бир қонун ҳужжати — **"Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"**ги қонунда эса, крипто-биржа фаолиятига оид нормалар ўз ифодасини топмаган. Ваҳоланки, юртимизда крипто-

биржа фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уни амалга ошириш учун лицензия бериш тартиби қонунчиликда назарда тутилган.

Аммо ушбу қонунда:

- ваколатли давлат органининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмаган;
- биржа операцияларини амалга оширишга қўйиладиган талаблар, шу жумладан, битимларнинг бекор қилиниши, тўлов ва жўнатиш муддатларини ўзайтиришга тааллуқли нормалар кўзда тутилмаган;

- товар хомашё биржалари электрон биржа савдолари тизимининг мавжудлиги талаби ва унга қўйиладиган асосий талаблар акс эттирилмаган;
- электрон биржа савдолари тизимига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича талабларни белгилаш ҳуқуқи ваколатли органга берилмаган;
- товар хомашё биржаси аъзолари биржа савдоларига қатнашишга рухсат олишнинг соддалаштирилган механизмлари жорий қилинмаган.

Қолаверса, қонунда биржаларнинг бошқарув органлари аъзолари сифатида давлат органлари мансабдор шахсларининг белгиланишига тақиқ қўйилмаган.

Шу билан бир қаторда, **"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"**ги, **"Табиати муҳофазат қилиш тўғрисида"**ги, **"Ҳайвонот дунёсини муҳофазат қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"**ги, **"Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"**ги қонунлар ҳам мониторинг қилинди. Бу жараёнда қайд этилган камчиликлар аниқ қонунларда ҳам учраши маълум бўлди.

Сенат кўмиталари томонидан Парламент ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ва бошқа манфаатдор идора ҳамда ташкилотлар билан биргаликда ўтказилган мониторинг натижасида қонунларни такомиллаштириш, амалиётда учраётган муаммоларни бартараф этишга қаратилган қатор тақлифлар ишлаб чиқилди.

**Одилжон ИМИНОВ,**  
*Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси*

Таҳлил

# Алимент мажбурияти унинг қонуний тартиблари нималардан иборат?



**◀ (Бошланиши 1-бетда)**

Вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментлар олдиндан тўланган ёки алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш учун гаров шартномаси тузилган бўлса, давлат ижро-чиси тўлов ёки гаров шартномаси тўғрисидаги тегишли ҳужжат олинган куннинг эртасидан кечиктирмасдан манфаатдор шахслар, ички ишлар органлари ва Давлат чегарасини қўриқлаш органларини қарздор жисмоний шахснинг мамлакатимиздан чиқишига оид чеклашни олиб ташланганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади. Бунда гаров қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки юз эллик бараваридан кам бўлмашлиги лозим.

Бироқ амалиётда айрим давлат ижрочилари ушбу қонун талабларини нотўғри талқин қилаётгани натижасида ижро ҳужжати бўйича қарзи йўқ ва алиментни тўлашдан бўйин товламаган алимент тўловчи шахсларга ҳам мамлакатимиздан четга чиқишда сунъий тўсиқлар қўйилаётгани учраб турибди. Улар бундан норози бўлиб, маъмурий судларга мурожаат қилганда уларнинг талаблари рад этилаётган ҳолатлари ҳам мавжуд.

Чунки қайд этилган ушбу қонун талаби умумий қоида бўлиб, **"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган барча ижро ҳужжатлари бўйича амал қилади. Қонунда санаб ўтилган ижро ҳужжатларидан фақат алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бўйича маҳсус қоидалар бошқа қонун ва меъёрий ҳужжатлари билан белгиланган.

Яъни Оила кодексининг 145-моддасига кўра, алимент тўлаши шарт бўлган шахс доимий яшаш учун ёки уч ойдан ортиқ муддатга чет давлатга кетаётганида қонунга мувофиқ ўзи таъминот бериши лозим бўлган алимент олувчилар билан ушбу кодекснинг 130-134-моддаларига асосан алимент тўлаш тўғрисида келишув тузиши шарт.

Алимент тўлаш тўғрисида келишувга эришилмаган тақдирда манфаатдор шахс алимент миқдорининг пул билан тўланадиган қатъий суммалар белгилаш ва алиментни бир йўла тўлаш тўғрисида ёки алимент эвазига муайян мол-мулкни бериш ёхуд алиментни бошқа усулда тўлаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментлар олдиндан тўланган ёки алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш учун гаров шартномаси тузилган бўлса, шахс алимент тўлаш тўғрисида келишув тузиши мажбуриятдан озод этилади.

Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек, алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 октябрдаги қарори билан тасдиқланган **"Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек, алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисида"**ги Низом 5-бандига кўра, алиментлар суммасини олдиндан тўлаш ёки алиментлар тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров тақдим этиш

фақат қарздорнинг алимент тўловларидан қарздорлиги мавжуд бўлмаганда амалга оширилади.

Низомнинг 8-бандида алиментларни олдиндан тўлаш ёки алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш учун гаров шартномасининг тузилиши давлат ижроси ёки суд томонидан қарздор жисмоний шахснинг илгарги белгиланган мамлакатимиздан чиқишини вақтинча чеклашни олиб ташлаш учун асос ҳисобланиши кўрсатилган.

Ана шу талаблардан кўринишича, алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бўйича қарздор жисмоний шахснинг мамлакатимиздан чиқиш ҳуқуқининг икки юз эллик бараваридан кам бўлмашлиги лозим. Бироқ амалиётда айрим давлат ижрочилари ушбу қонун талабларини нотўғри талқин қилаётгани натижасида ижро ҳужжати бўйича қарзи йўқ ва алиментни тўлашдан бўйин товламаган алимент тўловчи шахсларга ҳам мамлакатимиздан четга чиқишда сунъий тўсиқлар қўйилаётгани учраб турибди. Улар бундан норози бўлиб, маъмурий судларга мурожаат қилганда уларнинг талаблари рад этилаётган ҳолатлари ҳам мавжуд.

Чунки қайд этилган ушбу қонун талаби умумий қоида бўлиб, **"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган барча ижро ҳужжатлари бўйича амал қилади. Қонунда санаб ўтилган ижро ҳужжатларидан фақат алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бўйича маҳсус қоидалар бошқа қонун ва меъёрий ҳужжатлари билан белгиланган.

Амалиётда баъзан алимент тўловчи шахслар ўзларининг тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун мамлакатимиздан четга чиқиб, турли шартномаларни тузиб келишига зарурат туғилиши, алиментни бир йўла тўлашга имкониёти бўлмаса-да, алимент таъминоти сифатида гаровга қўйишга мулк борлиги, лекин ундирувчи атай гаров шартномасини тузишдан бош тартиб келаётганини маълум қилишган.

Ушбу масаланинг қонуний ечимни юқорида номи қайд этилган Низомнинг **"Алиментларни тўлаш мажбуриятини гаров билан таъминлаш тартиби"** деб номланувчи 3-банди батафсил баён этилган. Хусусан, Низомнинг 32-банди талабига кўра, алимент тўлаш мажбуриятини гаров билан таъминлашда гаров қиймати қонунчиликда белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз эллик бараваридан кам бўлмашлиги лозим. Ҳозирги кунда бу 75.000.000 сўмини ташкил этади.

Ўз навбатида, алимент тўловчи шахснинг ушбу талабларга мос келадиган гаров мулк бўлганида, ундирувчи, яъни алимент олувчи шахс асосий равишда гаров шартномасини тузишдан бўйин товлашга ҳақли эмас.

Бундай ҳолларда алимент тўловчи шахс алимент олувчи шахсга нисбатан Фуқаролик кодексининг 377-моддаси олтинчи қисми тартибда мажбурий тартибда шартнома тузиш мажбуриятини юклash ҳақидаги даъво аризаси билан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилишга ҳақли.

Алимент тўловчи шахс шунинг унутмаслиги лозимки, юқорида қайд этилган Низомнинг 29-бандига кўра, гаров шартномаси қарздор ва ундирувчи ўртасида алимент тўлаш мажбуриятини гаров билан таъминлаш ва алимент мажбуриятлари икки ойдан ортиқ муддат давомда бажарилмаган тақдирда ундирувчига ундирувчи гаров предметига қаратиш ҳуқуқини бериш учун тузилади.

Таъкидлаш жоизки, алимент билан боғлиқ тартиблар инсон, айниқса, бола ҳуқуқларида дахлдор муҳим масала ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда унга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Акмал МУРОДОВ,**  
*Навойи вилояти маъмурий суди раиси*

# Бировнинг нонини «туя» қилишдир



Нихоят, қилмиши учун жазо муқаррарлиги аниқ-равшан бўлгач, у жабрланувчилардан олган пулларини қайтариб берган.

Суд жабрланувчиларга ет-

казилган моддий зарар тўлиқ қопланганини инобатга олиб, У.Ш.га ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади.

Шу ўринда иккинчи мисолга эътибор қаратсак, жиноят

ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б" банди билан айбдор деб топилган А.Н. томонидан алданган жабрла-

нувчиларнинг суддаги кўрсатмаларини эшитиб, ҳайратдан ёқа ушлайсан киши: одам ҳам шу даражада ҳам содда ва ишонувчан бўладими?!

Маълум бўлишича судланувчи банк муассасасида ишламаса-да, икки нафар таниши К.М. ҳамда С.А.нинг ишончига кириб, уларнинг номига банкдан кредит расмийлаштиришга кўмаклашишини айтган. Хусусан, "хизмат ҳақи учун 2 миллион сўм олиб қоламан" дея банкларнинг биридан К.М.нинг номига 10 миллион сўм кредит олишга эришган, аммо унга бирор сўм ҳам бермай, пулни шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Судланувчи яна бир жабрланувчи қариндоши С.А.га "инсоф" қилган. Яъни унинг номига онлайн тарзда олинган 12 миллион сўм кредитнинг 5 миллион сўмини бериб, қолганини ўз эҳтиёжи учун сарфлаган.

Шу ўринда ҳақли савол ту-

ғилади: жабрланувчилар ўзганинг аралашувисиз ҳам бемалол кредит олиши мумкинлигини наҳотки билишмайди? Одам оғзидаги луқмасини ўз ихтиёри билан олдириб қўйиши учун қай даражада содда бўлиши керак?

Афсуски, атрофимиздаги оддий инсонларнинг фирибгарлик қурбонига айланishi ҳоллари кўпаймоқда. Оқибатда ҳолат юзасидан иш очилиб, суд ҳукми ўқилгунча қадар кечган безовталиқ ва дилхираликлар жабрланувчининг наинки асабларини қақшатишга, ҳатто моддий аҳволига ҳам етарлича салбий таъсир кўрсатиб улгурмоқда.

Шундай экан, бугун ҳар бир фуқаро пешона тери билан топган маблағию мол-мулкни дуч келган одамга ўзининг ихтиёри билан ишониб топширмаслигининг олдини олиш керак. Зеро, одамларни оғоҳликка чорлаш, жиноятчиликка қарши курашиш нафақат суд-ҳуқуқ идоралари, маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакиллари, балки ҳар бир юртдошимизнинг асосий вазифаларидан бири бўлиши шарт.

**Талъатжон МЕЛИБОВЕВ,**  
*Андижон вилояти суди раиси*



Қонуни қўмағи

## ДАЪВОГАР МАМНУН БЎЛДИ



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шу ўринда фикримизни ҳаётий мисоллар асосида давом эттирадиган бўлсак, даъвогар М.Жарқинова (исм-шарифлар ўзгартирилди) жавобгар — туман халқ таълими бўлимига қарашли мактаб маъмуриятига нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Даъвогар ўз аризасида иш берувчининг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида буйруғини ғайриқонуний деб топиш, уни вазифасига қиклаш, мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириб беришни сўраган.

Судда аниқланишича, М.Жарқинова ўрта таълим мактабда 2004 йил 20 февралдан буён фаррош вазифасида ишлаб келган. Мактаб директорининг 2021 йил 5 сентябрдаги буйруғи билан даъвогар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Ҳақиқатан ҳам, Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига кўра, ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганиги меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлади.

Энди М.Жарқинова масаласига қайтадиган бўлсак, ўрта таълим мактаби меҳнат жамоаси умумий йиғилишининг 2021 йил 13 мартдаги баённома-

си билан маъқулланган ўрта таълим мактабда ишлаётган ходимлар учун "Ички меҳнат тартиб-қоидалари"га кўра, ишда узрсиз сабаблар билан 3 соат мобайнида бўлмастик меҳнат вазифаларини бир марта бузиш ҳисобланиб, меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлади.

Мактаб директорининг 2021 йил 29 августдаги хати билан фаррош М.Жарқинова иш жараёнида меҳнат интизомига риоя қилмагани, хусусан, 11, 12, 13 июль ва 1 август кунлари — икки ойда 4 кун ишга сабабсиз келмагани боис меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши ҳақида огоҳлантирилган.

Мактабнинг 2021 йил июль-август ойларида юритилган иш табелларида ҳам М.Жарқинованинг ишга келмаган кунлари қайд этилган. Иш берувчининг 2021 йил 23 августдаги тақдимномаси билан мактаб касабга уюшмаси раиси Ҳ.Норматовга даъвогар М.Жарқинова билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида розилик бериш сўралган.

Бироқ иш берувчи ходимдан ишга келмаслик сабабларини аниқлаш чораларини кўрмаган. Узрли ҳолатлар мавжудлигини чуқур ўрганмаган, қонунга мувофиқ ходимдан ҳолат юзаси-

дан тушунтириш хати олмаган.

Тақдимнома юзасидан мактаб касабга уюшмаси 29 августда жавоб хати берган. Унда М.Жарқиновага нисбатан меҳнат интизомини бузганлиги учун огоҳлантириш бериш, ундан тушунтириш хати олиш лозимлиги қайд этилиб, юқоридаги ҳолатлар узрли сабабларсиз такрорланса, меҳнат шарт-



Равшанбек ТУРДИЕВ,  
Сирдарё вилояти суди судья  
катта ёрдамчиси

Хонқалик Раҳмат Тоировнинг (исм-шарифлар ўзгартирилган) кенжа ўғли Жасур ичкиликбозликка берилгани боис ота-онаси ва яқинларини доимий тинчлини бузиб келган.

2019 йилда икки ўртада жонсарақ бўлиб келган онаси М.Болтаева вафот этгач, Жасур янада қуошқондан чиқиб кетди. Шунда хотини Жасурни Қашқадарё вилоятида яшаётган ота-онасининг ўйига боришга кўндирди. Аммо Жасур у ерда ҳам ичкилик ичишни бас қилмади. Охир-оқибат аҳвол шу даражага етдики, хотини 2 нафар фарзанди билан ажралишга мажбур бўлди. Бу ҳолат Жасурнинг шундоғам можароли ҳаёт тарзининг эмас, балки феъл-атворини ҳам издан чиқарди. У фермер хўжалигида ишлаб топган пулига яна ича бошлади. Бу ота-бола ўртасидаги муносабатларни янада чигаллаштирди. Утган йилнинг баҳорида Жасур ўзи ишлаётган фермер хўжалиги дала ший-пониди ашай бошлади. Лекин вақти-вақти билан отасининг олдида келиб жанжал кўтариб турарди. Бир гал уйга келганда эшикни бегона аёл очганини кўргач, Жасур ғазаб отига минди ва отасидан бу аёл ким эканини сўради. Отаси Гўзал Содикова (исм-шарифлар ўзгартирилган) билан шарый никоҳ орқали турмуш қургани, у айни кезде беш яшар ўғли билан бирга уйга кўчиб келганини билдирди. Шундан сўнг Жасур ғазабини зўрга ичига ютиб ортага қайтди. Лекин бутун борлигини эгаллаб олган нафрат ва адоват туйғуларини ҳеч ҳам босилмади.

Сўлим ёз кунларининг бирида Жасур дала шийпонда

маломатларга асаби дош беролмаган ота кўлидаги пиёлани ўғли томон отди. Сўнг дастурхон устидаги пичокни олиб, унинг дасти би-

ди. Шифокорлар отани зудлик билан касалхонага жойлаштириш заруриятини айтишади. Бироқ зўравон ўғил бунга қарши чиқди.

дай аянчли яқунланди. Отасининг қотилига айланган ўғилга нисбатан Жиноят кодексининг 104-моддаси 3-қисми "д" бандига асосан жиноят иши кўзгатилади.

Олий суд Пленумининг 2007 йил 27 июндаги "Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 19-бандида "Судлар шуни инобатга олишлари керакки, жабрланувчи баданига унинг ўлимига сабаб бўлган оғир шикаст етказиши, фақат айбдорда оғир шикаст етказишга нисбатан қасд ва улим келиб чиқиши тарихидаги оқибатга нисбатан аҳтиётсизлик кўринишидаги айб мавжуд бўлгандагина Жиноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисмининг "д" банди билан квалификация қилинади" дея белгиланган.

Суд Ж.Тоировнинг оилавий ва моддий аҳволи, ёлғиз яшаши, айбига тўлиқ иқроғлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олган ҳолда 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Шу ўринда ҳақли саволлар туғилади: қотил Ж.Тоиров "падаркуш" деган тавки лаънатдан умр бўйи кутула олармикан?

Бундай оғир саволлар ҳар қандай инсонни ларзага солиши ва чуқур мулоҳазаларга чорлаши табиий. Зеро, ҳар бир воқеа-ҳодисадан сабоқ чиқариш зарур. Бу — ҳаёт қонунидир.

Абдулла СОБИРОВ,  
"Куч — адолатда" муҳбири

Жиноятга жазо муқаррар!



Ўхшаш тошбағирлик ва ичкиликбозлик касри

хурмача тўлгунча спиртли ичимлик ичди. Сўнг ярим кечаси ота уйининг остонасида пайдо бўлди. Ҳаддан зиёд ичган ичимлик Жасурни ақлу хушидан айирди. У отаси ва ўғай онаси Г.Содиковани турли сўзлар билан ҳақорат қилишга тушди. У отасини марҳума онасининг бевақт ўлимида айблади, ўғай онани уй-жойни эгаллаб олиш учун турмуш қурганини рўқач қилди. Бу каби тутуриқсиз

лан ўғлининг бошига урди. Бу зарбадан Жасурнинг боши ёрилиб, афт-башараси қонга беланди. Бундан баттар қутуриб кетган ўғил кутилмаганда отасига ташланди ва уни аёвсиз дўппослашга тушди.

Кетма-кет ёғилган оғир зарбалардан ҳолдан тойган кекса ота гурчиллаб ерга йиқилди. Шовқин-суронни эшитиб, уйга келган қўшинлар "Тез ёрдам" хизматини чақириш-

Лекин тонгга яқин отанинг аҳволи баттар оғирлашди. Қўшнлар яна "Тез ёрдам" хизмати шифокорларини чақиришди. Тезда етиб келган шифокорлар бу гал оғир аҳволдаги отани шифохонага олиб кетишди.

Афсуски, оғир жароҳат олган ота эртаси кунни дунёдан ўтди. Шу тариқа Жасур падаркушга айланади. Оиладаги аҳилсизлик, бағритошлик ва ичкиликбозлик оқибати шун-

Ғизикорлик фактлар

Дунёга машҳур кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятини кўпчилик яхши билади. Аммо уларнинг фарзандлари, яқинлари борасида бундай дейиш қийин. Бунинг сабаблари кўп бўлиб, уларни бирма-бир таҳлил қилиш жуда мушкул. Лекин буюк шахсларнинг шундай фарзандлари ҳам борки, улар ўз қобилияти, ҳаётий тамойили ва тароий тақдир туйғули алақачон тарих зарварларига муҳрланган. Шулардан бири жаҳон адабиётининг ёрқин намоёндаларидан бири, буюк рус шоири Александр Сергеевич Пушкиннинг қизи Мариядир.

## БҮЮК ОТАГА МУНОСИБ ФАРЗАНД



Шоирнинг тўнғич фарзанди 1832 йилнинг 19 майида Петербургда туғилган. У беш ёшга тулганда шоир ҳалок бўлган. Бу пайтда укалари ва синглиси Наташа жуда кичкина бўлгани учун Мария уйда хат-савод чикарган. Фавқулодда қобилиятга эга бўлган қизалоқ 9 ёшидаёқ немис ва француз тилида бемалол гапира олган. Таъкидлаш жоизки, шоирнинг дўстлари унинг зурриётлари яхши билим олишига катта ёрдам беришган. Шу боис болалигида жуда шаддо ва тўполончи бўлган Мария нуфузли олий ўқув юртини битириб, билимдон ва хушсуврат хоним бўлиб воёга етган. Замондошларининг таърифлашича, Марияда "Онанинг бекиёс гўзаллиги-ю отасининг улкан истеъдоди" мужассамлашган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, буюк рус ёзувчиси Лев Толстой "Анна Каренина" романи бош қаҳрамонининг ташқи кўринишини яратишда Марианиннинг ўзига хос юз тасвиридан фойдаланган. Лев Толстой Мария Александровна билан Туладаги бир меҳмондорчиликда танишган. Маълумотларга кўра, Пушкиннинг қизи ёзувчининг эътиборини илк қарашдаёқ ўзига тортган. "Бу аёл ким бўлди экан?", — деган саволига жавоб берилганда Лев Николаевич баланд овозда "Ха, тушунарли. Унинг сочлари нега бунчалик ўзига хос экани энди маълум бўлди", — дея ҳайратланган экан.

"Анна Каренина образида нафақат характери ва ҳаёти, балки бутун кўриниши билан Мария тасвирланган. Бунинг ҳақоқати ёзувчининг ўзи ҳам эътироф этган", — дея хотирланган Толстойнинг қайинсинглиси Татьяна Кузминская.

Хусн-жамоли, илму-одоби буюк асарда тасвирланиб, абадий дунёга дохил бўлган Марияга бой-бадавлат табақага мансуб кўлаб зодагонлар ошқ бўлишга қарамай, у 28 ёшида турмуш қурган. Унинг эри генерал-майор Леонид Гартунг Москвада императорнинг от фермаларини бошқарган.

Улар 17 йил аҳил-иноқ турмуш кечирган. Бироқ шундан сўнг уларнинг бахтига кўз теккан. Аниқроқ айтганда, 1877 йилда юқори лавозимдаги хукумат амалдорлари Гартунгни махсус вексел ва қимматли қоғозлар ўғирлигида айблаган. Сохта ҳужжатлар асосида унга нисбатан жиноий айблов эълон қилинган.

Бундай шармандагарчиликка чидай олмаган генерал хибсхонада ўз жонига қасд қилган. Гартунгнинг чўнтағидан "Яратганга онт ичаманки, ҳеч нарса ўғирлаганим йўқ. Шундай бўлса-да, душманларимни кечирдим", деб ёзилган хат топилган. Энг қизиғи, кейинчалик суд Гартунгни айбсиз деб топган.

Интернет материаллари асосида Олий суд катта консультанти Тоҳир ИСМОИЛОВ тайёрлади.

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий судиБош муҳаррир:  
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил  
23 февралда Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 0224-рақам  
билан рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Бахтиёр ИСЛАМОВ

Робохон МАХМУДОВА

Халилullo ТУРАХУЖАЕВ

Икром МУСЛИМОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Зарифжон МИРЗАКУЛОВ

Замира ЭСОНОВА

Азиз АБИДОВ

Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор

ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:

Шерзод

ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Манзиллими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй  
Тел.: 71-241-01-56, 71-239-02-54  
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.  
Буюртма: Г-815 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.  
Сотува эркин нарҳда. Адади: 4445  
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22<sup>00</sup>. Топширилди: 23<sup>00</sup>.